



## КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИ ВА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ

**Мустафаев Улаш Утаевич**

Термиз давлат университети, Фалсафа кафедраси,  
фалсафа фанлари номзоди, доцент

**Мустафаев Икром Улаш ўғли**

Жарқўрғон тумани 37-сон мактаб инглиз тили фани ўқитувчиси  
[ulashmustafoyev1957@gmail.com](mailto:ulashmustafoyev1957@gmail.com)  
+998 90 076 95 57

### АННОТАЦИЯ

*Рақами таълим технология муҳитида талабанинг ўқишига самарадорлигини таъминлашда мустақил таълимнинг ўрни катта аҳамиятга эгадир. Мустақил таълим барча давларда ўқитиши тизимида муҳим бўғин бўлиб келган. Айниқса, шарқ -мусулмон билимдонлар уйларида асосий ўқиши мустақил таълим орқали амалга оширилган. “Мадраса” сўзининг Ўзбекистон ҳудудида келиб чиқиши ҳамда, илмий манбалар таҳлилига кўра, айнан шу мустақил таълим туфайли Абу Наср Форобий 72 тилда мулоқот қилиши қобилиятига эгаллаганиги, мазкур таълимнинг долзарблигини кўрсатади. Мустақил таълим туфайли Аристотель асарларини бизга шарҳлаб тушунтириб берди. Мустақил таълим тўғри ташкил этиши, ривожланган давлатларда барча соҳаларнинг шиддат билан илгарилаш омили ҳисобланниб, бу эса ушибу синалган технологик дастурларни бизда ҳам интегратция қилиши учун халқаро мемарандумларга эҳтиёжимизни оширмоқда. Тажрибада исботлаган илмий манбалардаги назарий гояларни, хақиқий амалиётда меҳнат бозори товарига айлантириши ва бу товарни бозорга чиқарии ҳамда тайёр товарларни тижкоратлаштириши яъни молиявий киримга айлантириши олий таълим муассасаларининг асосий вазифаси бўлиб турибди. Келтирилган таҳлиллар, мустақил таълим давлат ва нодавлат олий таълим муассасаларининг асосий вазифаси эканлигини исботлайди. Ўзбекистон олий таълим муассасаларининг илгор HEMIS дастури талабларидан келиб чиқиб, мустақил таълимни киритиши, мустақил тайёрланган ўқув материалини тақдим этишида плагиатнинг олдини олиши долзарб бўлиб бормоқда. Интернет ва ундаги программаларнинг кескин даражада ривожланшиши, талабаларнинг ўқув адабиётларини ўқиб, илмий манбалардан фойдаланган ҳолда мустақил ишини тайёрлаб HEMIS дастурига юклаш эмас, балки сунъий интеллектлар кўмагида кўр-кўрона тақдим этиб бермоқда. Ваҳоланки, ҳар бир мустақил*

шидан ишини тайёрланаң талабада баҳс-мунозарага киришиши, илмга мотивацияси шаклланиши лозим. Ушбу мақолада мустақил таълимнинг бугунги қундаги долзарб бўлиб турган мазкур жиҳатлари ҳақида ўринли мулоҳазалар таҳлил қилинади, зарур хулоса ва тақлифлар берилган.

**Калим сўзлар:** мустақил таълим, рақобат, давлат ва нодавлат таълим муассасаси, вақт бюджети, тақсимот, HEMIS, регламент, сунъий интеллект, критик (танқидий), креатив (ижодий), коммуникатив (ўзаро алоқадорлик), коллaborация (ҳамкорликда ишилаш), кўникма

## ABSTRACT

*The role of independent learning in ensuring the effectiveness of students' learning in the digital education technology environment is of great importance. Independent learning has always been an important link in the education system. In particular, in the homes of Eastern Muslim scholars, the main learning was carried out through independent learning. The fact that the word "madrasah" originated in Uzbekistan and, according to the analysis of scientific sources, it was precisely thanks to this independent learning that Abu Nasr Al-Farabi acquired the ability to communicate in 72 languages, indicates the relevance of this education. Thanks to independent learning, Aristotle explained and explained the works to us. The correct organization of independent learning is considered a factor in the rapid progress of all sectors in developed countries, which increases our need for international frameworks for the integration of these tested technological programs in our country. The main task of higher education institutions is to turn the theoretical ideas from scientific sources, which have been proved in the experience, into labor market goods in real practice, and to market these goods and to commercialize finished goods, that is, to turn them into financial income. The presented analyses prove that independent learning is the main task of state and non-state higher education institutions. Based on the requirements of the advanced HEMIS program of higher education institutions of Uzbekistan, the introduction of independent learning and the prevention of plagiarism in the presentation of independently prepared educational materials are becoming increasingly urgent. The rapid development of the Internet and its programs has led to the fact that students do not prepare independent work using educational literature and scientific sources and upload it to the HEMIS program, but rather blindly submit it with the help of artificial intelligence. However, each independent work should be a discussion-debate in the student who prepared the work, and motivation for science should be formed. This article analyzes relevant considerations about these aspects of independent learning that are relevant today, and the necessary conclusions and proposals are given.*

**Keywords:** independent learning, competition, public and private educational institutions, time budget, distribution, HEMIS, regulations, artificial intelligence, critical, creative, communicative, collaboration, skills

## АННОТАЦИЯ

Независимое обучение -это система, которая поощряет студентов к активному обучению. Независимое обучение было важной частью системы образования на протяжении всей истории. В частности, в домах восточных мусульманских ученых основное обучение осуществлялось посредством независимого обучения. Слово «медресе» появилось в Узбекистане не случайно. Благодаря самостоятельному образованию Абу Наср Аль-Фараби приобрел способность общаться на 72 языках. Благодаря своему независимому образованию он объяснил и истолковал для нас труды Аристотеля. Сегодня развитые страны стремительно развиваются во всех областях, поскольку самостоятельное образование организовано правильно. В наш век технологий мы вынуждены покупать технологические программы у этих стран. Теоретические идеи изложены в книгах. Основная задача высших учебных заведений -превратить их в товары, вывести эти товары на рынок и коммерциализировать готовые товары, то есть конвертировать их в деньги. Поэтому главная задача государственных и частных высших учебных заведений-научить студентов учиться самостоятельно. Цифровизация самостоятельного образования на основе требований программы HEMIS и профилактика plagiarisma в этой связи становятся все более актуальными. Компьютерная эра предлагает учащимся возможность самостоятельного обучения с использованием искусственного интеллекта без необходимости заглядывать в учебники. Однако каждая самостоятельная работа должна сопровождаться презентацией студента, подготовившего работу. В статье рассматриваются актуальные вопросы самостоятельного обучения. Даны выводы и предложения.

**Ключевые слова:** самостоятельное обучение, конкуренция, государственные и частные учебные заведения, бюджет времени, распределение, HEMIS, правила, искусственный интеллект, критик, креатив, коммуникатив, коллaborация, навыки

## КИРИШ (ВВЕДЕНИЕ / INTRODUCTION)

Жамият тараққиётига ижобий таъсир кўрсатадиган муҳим омил бу таълим тизимида тайёрланаётган кадрлар ва уларнинг салоҳиятидир. Шу сабаб, бугун Ўзбекистонда таълим тизими энг устувор вазифа ҳисобланмоқда. Узлуксиз

таълим тизимида фанлар тизими интегратцияси ишлаб чиқилди, мажбурий фанлар, мутахасислик ва мустақил таълим соҳалари сезиларли даражада замонавийлаштирилди. Олий таълим муассасаларида мустақил таълим кўникмасини такомиллаштириш муҳим долзарб масала эканлиги яққол намоён бўлди. Чунончи, талабанинг фандан эгаллаган билим ва кўникмаси, унга берилган топшириқни мустақил ўрганиб, ўқув адабиётларини таҳлил қилган ҳолда тайёрлаган иши орқали намоён бўлади. Бу эса ишнинг оригиналлилиги ва ҳақиқий талаба томонидан мустақил ишланиб тайёрланганлигига боғлиқдир.

Мактабгача таълим ва тарбия, умумий ўрта ва ўрта маҳсус таълим, профессионал таълим, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ва мактабдан ташқари таълим турлари бўйича давлат муҳим қарорлар қабул қилди. Таълим ва тарбияни таълим муассасаларида тизимли ташкил этиш муваққият калитидир. Чунки, таълим жараёнида кадрларнинг назарий билими, малака ва кўникмалари асосида қобилияти ривожланиб борса, тарбия жараёнида эса кадрларнинг дунёқарashi шаклланиб, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида комил инсон фазилатига хос руҳий тарбия олади. Таълим тизимида тайёрланаётган кадрларда ватанга садоқат, тадбиркорлик, иродалилик, мафкуравий иммунитет, меҳр-оқибатлилик, маъсулиятлилик, толерантлик, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш ва меҳнатсеварлик каби ахлоқий фазилатларни шакллантириш ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб қолди. Дунёдаги мураккаб геосиёсий вазият даврида ривожланган давлатларнинг янги дунё тартибини қуриш ҳақидаги ғоялари ва ресурслар учун кураш янги босқичга ўтаётган даврда таълим тизими ўқув режасидаги фанлар ва уларнинг дастурлари юқоридаги омилларга жавоб берадиган кадрлар тайёрлашга жавоб берадими ёки кадрлар олган назарий билимларини мустақил равишда ҳар хил шароитда қўллаш амалиётига эгами деган савол таълим муассасаларининг ҳақиқат мезони бўлиши талаб этилмоқда. Яқин-яқингача таълим тизимини давлат таълим муассасалари монополия қилиб олган эди. Бугун эса уларга рақобатчи сифатида нодавлат таълим муассасалари ҳам пайдо бўлди. Рақобат ҳамма вақт тараққиёт мезони бўлиб келган.

Рақобатли таълим сабаб, узлуксиз таълимнинг барча бўғинлари иккига, яъни давлат таълим тизими ва нодавлат таълим тизими асосида фаолият юритиб бошлади. Бу ҳам юксалишдан далолатdir, Давлат таълим тизими анъанавий бошқарувга эга ҳисобланиб, меъёрий-услубий ҳужжатларини ишлаб чиқиши буйича ҳам марказ ва таянч таълим муассасалари фаолият кўрсатиб турибди. Нодавлат таълим тизими эса анъанавий бошқарув тизимида эга эмас.

Агар нодавлат таълим муассасаларига давлат монополияси бошқарув бўғини раҳбарлик қилса, улар ўртасида рақобат бўладими деган савол пайдо бўлади. Мантиқан хулоса чиқарилса рақобат бўлмайди ва кадрлар тайёрлашда эски анъана давом этаверади. Бу эса сифатсиз кадр таёrlаш ва тарбиялаш давом этаётганлигини билдиради. Шунинг учун нодавлат таълим муассаслари устави, низоми ва бошқа меъёрий-услубий ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш учун уларни ҳуқуқий ҳимоя қиладиган нодавлат уюшмага эҳтиёж сезилмоқда. Айниқса олий таълим тизимида бу яққол сезилмоқда. Чунки, олий таълим тизимининг давлат монополияси бўғинидаги раҳбарлар нодавлат таълим муассасаларини баъзан панада, баъзан эса ошкора танқид қилмоқда. Ваҳоланки, Президент Ш. Мирзиёев “Бир нарсани аниқ тушуниш керак. Яқин - яқингача давлат олийгоҳлари монополия бўлган. Ва бундан фойдаланиб келган. Сўнгти йилларда соҳага рақобат кириб келди, хусусий ва хорижий олийгоҳлар кўпаймоқда ва бу вазиятни ўзгартиради”<sup>1</sup> деб бежизга таъкидламади. Бугун Ўзбекистонда 67 та нодавлат олий таълим муассасаларида 170 минг нафар ёшлар таҳсил олмоқда. Хорижий олий таълим муассасалари сони эса 30 та бўлди. Давлат олий таъим муассасаларидаги талабалар сони бир миллион уч юз нафардан ошди. Жаҳон давлатларининг энг етакчи олий таълим тизимидағи таълим муассасаларини ўргансангиз уларнинг асосий қисми нодавлат таълим муассасаларидир. Ўқув жараёни ва таълим дастурлари келажак авлодни ўйлаб шакллантирилгани учун рейтингдаги ўринлари ҳам юқоридир. Бугун олий таълимнинг давлат ёки нодавлат олий ўқув юртида таҳсил олаётган кадрлар яна 10-15 йилдан кейин давлат бошқарувига келади. Улар ўртасида рақобат бўлса кадрларнинг сифати янада яхшиланиши табиий бир ҳолдир. Шунинг учун олий таълимнинг давлат ва нодавлат бўғинида мустақил таълим назарий ўқиш ва амалиётнинг ҳақиқат мезони бўлиши керак. Мустақил таълим тўғри ташкил қилинmas экан кадрнинг эртага ўз соҳаси ва ихтисослиги бўйича компонентлиги етарлича бўлмаслиги аниқдир.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОД (ЛИТЕРАТУРА И МЕТОД / LITERATURE REVIEW)

Олий таълимда ўқув ва тарбия жараёнини тўғри ташкил этиш Ўзбекистонда ҳам кўплаб олимлар илмий тадқиқот ишларини олиб борган. Жумладан, академик С.С.Гуломов, Л.В.Перегудов, М.Ҳ.Саидов, Ҳ.Р.Раимов, Б.Ю.Ходиевларнинг тадқиқотлари аҳамиятлидир. 2020-2021 ўқув йилидан олий таълим муассасалари кредит-модуль тизимига ўтиши муносабати билан янги

<sup>1</sup> Президент Шавкат Мирзиёев раислигига 2021 йил 16 июнь куни Олий таълим тизимидағи устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йигилишдаги маърузасидан.

Низом қабул қилинди. Кредит-модуль тизимида ўқув жараёнининг 60 фоизини мустақил таълим ташкил қиласди. Вазирлик томонидан 2022 йил 30 майда 02/35-30/05-49-сон хати билан олий таълим муассасаларида кредит-модуль тизимида талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича йўриқнома ва 2024 йил 29-апрелда 136-сон буйруқ билан эса яна олий таълим муассасалари талабалари мустақил таълимини ташкил этиш бўйича намунавий тартиб қабул қилинди. Хорижда ишлаётган ва тажрибали педагог олимлар ва республикамиз етакчи мутахассис олимлари ҳам кредит-модуль тизимда мустақил таълимни ташкил этиш ҳамда жорий қилишга оид ўнлаб адабиётлар чоп этишди. Шу нарсаларнинг ўзи бу жараённинг долзарблигини исботлайди.

## **НАТИЖАЛАР (РЕЗУЛЬТАТЫ / RESULTS)**

Тадқиқот натижалари ва кузатув жараёнлари ҳамда амалиёт натижалари шуни тақоза қилмоқдаки кредит-модуль тизими жорий этилаётганига тўрт йил бўлса-да ўқув режадаги мустақил таълим соатларини бажартириш ўзининг аҳамиятини ва долзарблигин йўқотгани йўқ. Аксинча, дуаль таълим бу жараёнга янгича ёндошувни талаб қилмоқда. Бу жараённи яхшилашга ёрдам берадиган методик адабиётларга эҳтиёж ошиб бормоқда. Тошкент халқаро Вестминистер университети томонидан Темпус лойиҳаси доирасида тайёрланган олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари учун мустақил таълимнинг асосий тамойилларини жорий қилишга доир тавсиялар китоби сингари адабиётлар турини деярли барча университетлар тайёрлаши ва чоп этиши жараённи яхшилашга ёрдам беради.

## **МУҲОКАМА (ОБСУЖДЕНИЕ / DISCUSSION)**

Талабанинг вақт бюджети бу вақт фондининг кунлик, ҳафталиқ, ойлик ва йиллик тақсимланишидир. Талабанинг ҳафталиқ юкламаси 54 соат этиб белгиланган бўлса, у ҳафтасига 30 соат вақтини аудиторияда назарий ўқишга сарфлайди. 24 соат вақти эса семинар, уй вазифалари ва мустақил таълим топшириқларини бажариш учун қолади. Демак, талаба ҳафтасига 4-5 соат уй вазифаси ва мустақил таълим топшириқларини бажариш учун вақт сарфлаши лозим бўлади. Бу кунига 1-2 соат уй вазифаси ва мустақил таълим топшириқлари билан шуғулланиши керак бўлади. Агар ўқув режасида бир семестрда 6 та фан ўқитилса, бу фанлар учун тахминан 350-400 соатгача мустақил таълим соати ҳам берилади. Бу соатни 15 ҳафтага тақсимласа, талабанинг мустақил соат учун ҳафталиқ юкламаси 26,6 соатни ташкил қиласди. Агар 26,6 соатни 6 кунга тақсимлаганда талаба ҳар куни 4-4,5 соат мустақил таълим топшириқларини бажариш учун вақт сарфлаши талаб этилади. Демак, талаба ҳар куни 10-11 соат назарий ва мустақил таълим соатлари вазифаларини



бажариш учун вақт бюджетини сарфлаш талаб этилмоқда. “Олий таълим муассасаларида кредит-модуль тизимида талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича йўриқномада”<sup>2</sup>нинг 1.11. бандида “Фан(модуль)нинг аудитория юкламасини бажариш вақтида талабаларнинг мустақил ишлари назорат қилинмайди”<sup>2</sup> дейилган. Деканат ва кафедра мустақил таълим соати учун контакт соатлари учун аудитория фондини белгилаши ва талаба учун онлайн ёки оффлайн маслаҳат бериш ҳамда мустақил таълим вазифаларини қабул қилиш жадвалини ҳам ишлаб чиқиши, талабалар эътиборига етказиши талаб қилинади. Мустақил таълим вазифасини талабанинг ўзи мустақил бажаради ва шунинг учун бу жараён талабада билим, кўникма ва малакани мустаҳкамлади. Мустақил иш эса профессор-ўқитувчи раҳбарлигига амалга оширилади. Фан(модуль) ўқитувчиси мустақил таълим иш тури ва шаклини фан хусусиятидан келиб чиқиб тўғри танлаши энг муҳим вазифа бўлиб турибди. Бунинг учун профессор-ўқитувчи ўқув жараёни жадвали ва ундаги назарий ўқиш ҳафталарини инобатга олиб, мустақил таълим ва мустақил иш вазифаларини қабул қилиш вақтини аниқ белгилаши талаб этилади.

Хозир олий таълим тизимида назарий ўқув жараёни жадвали бўйича тизимли давом этаётгани барчага маълумдир. Айниқса, олий таълим тизимида НЕMIS ОТМ дастури жорий этилганидан сўнг у жараён анча яхшиланди. Фан ресурсларининг аввалдан талабаларга етказилиши, дарс машғулотлари жадвали ва уларни расмийлаштириш, талабалар давоматини назорат қилиш назарий ўқишини ташкил этишга ўз ижобий таъсирини бермоқда. Лекин энг катта муаммо ўз ечимини топмай турибди. Бу талаба мустақил таълимини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш жараёнида камчиликлар содир бўлиб турибди.

Бу жараёнга салбий таъсир ўтказётган биринчи омиллардан бири амалдаги олий таълим муассасалари талабалари мустақил таълимини ташкил этиш бўйича Намунавий тартибининг “6-банди”<sup>3</sup> талабининг олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг ўкув, ўкув-услубий, илмий-тадқиқот, ”устоз-шогирд” ишларини белгилаш қоидаларининг иш турларида кўрсатилмаганлигидир. Чунки, мустақил таълимнинг контакт соатлари иш турида кўрсатилиши ва унга соат ҳажми белгиланиши лозим. Бу омил мустақил таълимнинг сифатига ижобий таъсир кўрсатади. Демак, олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўкув юкламаси ҳамда ўкув-

<sup>2</sup> Олий таълим муассасаларида кредит-модуль тизимида талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича йўриқнома.2022 йил 30 май.02/35-30/05-49-сон.

<sup>3</sup> Олий таълим муассасалари талабалари мустақил таълимини ташкил этиш бўйича Намунавий тартиб 2024 йил 29 апрель 136-сон буйруқ иловаси,2-бет

услубий, илмий-тадқиқот ва «устоз-шогирд» ишларини белгилаш қоидаларини (2018 йил 10 сентябрь 20-2018-сон) янги таҳрирда қабул қилиш вақти келди.

Иккинчи омиллардан бири бу фанларнинг мустақил таълим шаклини ва ҳажмини ҳамда тақдим этиш жараёнини белгилаб олишда парадоксли ҳолатлар кўп учрамоқда. Бу жараён кафедра профессор-ўқитувчилари салоҳияти билан боғлиқ эканлиги барчага маълум бўлса-да бир нарсани очиқ айтиш лозим бўлмоқда. НЕMIS дастури ва ўқув жараёниниг рақамлашиши мустақил таълим шаклини ва ҳажмини ҳамда тақдим этиш жараёнини белгилаб олишга ақлли ва рақамли ёндошувни талаб қилмоқда. Бу эса мураккаб жараён ва унга салбий таъсир этувчи кўнилмалар жуда кўпдир. Кафедралар анъанавий шакллардан воз кечиши қийин бўлмоқда. Компьютер саводхонлик даражасининг пастлиги, дарс берәётган фан ёки модулнинг нозик жиҳатларигача билмаслик, ўқув юкламанинг кўплиги ва ҳоказо. Талаба-ёшларнинг сунъий интеллект ва ундан фойдаланиш даражаси баландлиги ва ўқув адабиётларини очиб қарамасдан мустақил таълимни тақдим этиши парадоксли ҳолатларни кучайтириб юборди.

Учинчи омиллардан бири эса, мустақил таълим учун кафедра ва деканатлар томонидан регламентнинг йўқлигидир. Регламент кафедра ва деканатда ҳамда НЕMISда қатъий белгиланмаса ҳеч нарсага эришиб бўлмайди.

Хозир инсоният дунёқарашида моддапарастлик дунёқарashi устунлик давридир. Меҳнат қилмасдан бой бўлиш ёки таълим олмасдан юқори лавозимларни орзу қилиш ва енгил йўллар билан пул топиш айб бўлмай қолди. Камбағалликка ҳам сабаб шудир. Жамиятни ҳам унда яшаётган инсониятни ҳам комилликка олиб чиқадиган нарвон бу таълим ва унинг турли шакллари дир. Жумладан, унинг оила, мактабгача ва мактаб, профессионал, олий ва ундан кейинги олий, малака ошириш, мактабдан ташқари таълим ва давлат каби халқалари мавжуд. Бугун давлат таълим учун барча ресурслари ишга солмоқда.”Янги Ўзбекистонда ёшларнинг таълим олиши учун кенг имконият ва шароитлар яратиш стратегик вазифа сифатида белгиланди”<sup>4</sup> деб таъкидлади, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев. Юқоридаги халқалар ичida олий таълим алоҳида аҳамиятга эга бўлган бўғин саналади. Бугунги давлат, нодавлат ва хорижий таълим муассасаларида таҳсил олаётган 2 миллионга яқин талаба –ёшлар яна 15-20 йилдан кейин давлат бошқарувига келади. Давлат бошқарувидаги кадрларнинг тизимли мустақил ва креатив қарор қабул қилиши уларнинг бакалавр ва магистратурада назарий ўқиши билан мустақил таълимни қандай ўзлаштирганига боғлиқ. Чунки, мустақил таълим

<sup>4</sup> Мирзиёев Шавкат Миромонович. Хозирги замон ва Янги Ўзбекистон. Тошкент “Ўзбекистон” нашриёти. 560 бет.159-саҳифага қаранг



жараёни кадрда қритик (танқидий), креатив (ижодий), коммуникатив (ўзаро алоқадорлик), коллaborация(ҳамкорликда ишлаш) кўнижмасини шакллантиради. Хорижий таълим муасссаалари мустақил таълимни рақобатга бардош берадиган кадр тайёрлаш учун мезон сифатида қарайди. Биздаги, деярли барча олий таълим муассасалари хоҳ у давлатники бўлсин, хоҳ у нодавлат бўлсин бу жараёнга формал қарайди.

### **ХУЛОСА (ЗАКЛЮЧЕНИЕ / CONCLUSION)**

Ўрганилган ўқув ҳамда илмий манбалар асосида хулоса қилишимиз мумкинки, давлат ва нодавлат олий таълим муассасаларининг барчасида ўқув жараёнининг назарий бўлмини ташкил этишда ҳам мустақил таълим қисмини жорий этишда ҳам ҳозирга қадар рақобатли муҳит яратилмаган. Улар ўртасидаги тафовутни фақат таълим муасасасаларига кириш тизими намоён қилиб турмоқда. Яъни бирида тест орқали билимини баҳолаб танлаб олиш, иккинчисида эса тестга асосланмаган, фақат тўлов-мажбуриятини бажариш орқали қабул қилиниши зарурӣ танлов бўлмаётганлигини исботлайди. Давлат олий таълим муассасаларидан нодавлат олий таълим муассасаларига “ақл”нинг сизиб оқиши кузатилмоқда. Бунинг ҳам ягона сабаби молиявий манба билан боғлиқдир.

Мазкур таълим муассасаларида талаба-ёшларга назарий билим бериш ва мустақил таълимни ташкил этишда рақобат йўқ. Рақобатни вужудга келтириш учун НЕМИС дастури имкониятларидан ва ундаги фан топшириклари платформасида талабани ўқишга ундейдиган ресурсларни жойлаштириш ва баҳолаш тизимини тўғри ташкил этишга лозим. Бунгача эса фан дастури ва силлабуслар таркибий қисмидаги мустақил таълим мавзуларини сунъий интеллект базаси имкониятлари билан қиёслаб ўрганишга эҳтиёж ошди. Олий таълим муассасаларида талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш ва назорат қилиш Низомини ишлаб чиқиш ва адлиядан рўйхатдан ўтказиб давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари учун мажбурий қилиб қўйиш шарт. Чунки, бугунги талабалар эртанги раҳбарларимиз, уларнинг тақдирига ҳеч кимнинг бефарқ қарашига имконият қолдирмаслигимиз лозим. Шундагина дунё рақобатига бардош берадиган кадрлар тайёрлаш тайёрлаш мумкин. Яна бир жиҳатига эътибор бериш лозим бўляяптики, аттестация ва аккредитация фаолияти билан шуғулланадиган идоралар давлат назорати остида бўлиши мақсадга мувофиқдир. Таълимдаги назарий ва мустақил таълим жараёни ва унинг сифатини давлат ёки таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциялари холис баҳо бериш имкониятига эга бўлади. Бизнинг фикримизча, ўқув жараёнининг 60-70 фоизи мустақил таълимга ажратилса,



талабада билим олиш ҳамда фан юзасидан берилган маъсулиятни бажаришга бўлган мажбурияти ортади, шу билан бирга ўқитувчи педагог ижрони тизимли назорат қилиб бориши лозим бўлади.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА / REFERENCES)

1. Мирзиёев Ш.М. Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон. Тошкент “Ўзбекистон” нашриёти. 560 бет. 159-саҳифа
2. Президент Шавкат Мирзиёев раислигига 2021 йил 16 июнь куни Олий таълим тизимидағи устувор вазифаларга бағишлиланган видеоселектор йиғилишдаги маъruzаси.
3. Олий таълим муассасалари талabalari мустақил таълимини ташкил этиш бўйича Намунавий тартиб 2024 йил 29 апрель 136-сон буйруқ иловаси, 2-бет.
4. Олий таълим муассасаларида кредит-модуль тизимида талabalарнинг мустақил таълимини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича йўриқнома. 2022 йил 30 май. 02/35-30/05-49-сон.